

АХМЕДОВ Самариддин Абилғозиевич
Тошкент ислом институти ўқитувчиси
samariddin2023@mail.ru

БЕГМАТОВА Бузахро Маъруфжановна
Илмий раҳбар: Тошкент давлат
шарқишунослик университети
Араб филологияси кафедраси доценти
buzahro73y@mail.ru

АРАБ ТИЛИДА СЎРОҚ ОЛМОШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ГАПДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

АРАБСКИЕ ВОПРОСИТЕЛЬНЫЕ МЕСТОИМЕНЕНИЯ И ИХ ФУНКЦИИ В ПРЕДЛОЖЕНИИ

ARABIC QUESTION PRONOUNS AND THEIR FUNCTIONS IN A SENTENCE

Аннотация. Маълумки, араб тили грамматикасида олмошлар алоҳида сўз туркуми ҳисобланмайди. Улар исм сўз туркумининг бир қисми ҳисобланади ва шунинг учун ҳам унинг турлари “اسماء الإشارة” - кўрсатувчи ёки ишора қилувчи (предметларни) исмлар, اسماء الاستفهام - сўровчи (предметлар ҳақида) исмлар, اسماء الموصولة - боғловчи исмлар” дея номланган. اسماء الاستفهام - ўзбек тилидаги сўроқ олмошларига тўғри келади ва ушбу мақолада сўроқ олмошлари ва уларнинг гапдаги грамматик вазифалари хусусида мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: اسماء الاستفهام - сўровчи (предметлар ҳақида) исмлар, марфуъат-бои келишик, мансубат-тушум келишиги, мажрурат-қаратқич келишиги, маърифат-аниқ ҳолат, накира-ноаниқ ҳолат.

Аннотация. Известно, что в арабской грамматике местоимения не являются отдельной частью речи. Они являются частью имени существительных и поэтому их называются اسماء الإشارة - указательными или имена указывающие на предмет, اسماء الاستفهام - вопросительными (о предметах) именами, اسماء الموصولة соединительными именами. В узбекском языке اسماء الاستفهام соответствует вопросительным местоимениям. В данной статье рассматриваются вопросительные местоимения и их грамматические функции в предложении.

Ключевые слова: اسماء الاستفهام - вопросительные местоимения, марфу'ат - именительный падеж,

мансубат- винительный падеж, мажрурат-родительный падеж, маърифат - имена в определённом состоянии, накира – имена в неопределённом состоянии.

Annotation: It is clear that pronouns are not a separate word group in Arabic grammar. They are part of the noun phrase, and therefore its types are called “اسماء الإشارة” - demonstrative nouns which are indicating or pointing to (objects), “اسماء الاستفهام” interrogative (about objects), “اسماء الموصول” - connective nouns. اسماء الاستفهام corresponds to interrogative pronouns in Uzbek, and it is discussed the interrogative pronouns and their grammatical functions in speech in this article.

Key words: interrogative pronouns, nominative case, vocative case, accusative case, definite case, indefinite case.

КИРИШ

Араб тили грамматикасида сўзлар учта катта гуруҳга бўлинган, яъни анъанага кўра, араб нахвшунослари барча сўзларни 3 та катта-катта гуруҳларга бўлиб ўрганадилар. Булар, исм, феъл ва ҳарф сўз туркумлари бўлиб, исм таркибига ўзбек тилидаги от, сифат, сон, олмош ва равиш каби мустақил сўз туркумлари киради.

Феъл ва феълнинг барча формалари, яъни, феълларнинг замонлари, майллари, аниқ ва мажхул даражадаги нисбатлари, феъл боблари ва ҳ.к. араб тилида феъл сўз туркумини ташкил қилади.

Ҳарф сўз туркумига эса предлоглар, боғловчилар ва юкламалар, яъни ёрдамчи сўзлар киради.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, олмошлар араб тилида алоҳида сўз туркумини ташкил этмай, исм сўз туркумининг бир бўлаги ҳисобланади ва унга хос бўлган хусусиятларга эга бўлади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Араб тилида “асмаул истифҳом” деб номланувчи исмлар ўзбек тилидаги сўроқ олмошларининг муқобили бўлиб, улар “معرفة”, яъни аниқ ҳолатдаги сўзлар қаторига киради. Сўроқ олмошлари сўзловчининг номаълум нарсга ёки ҳодисани билиш мақсадида савол билан қилган мурожаъатини ифодалаш учун қўлланади. Сўроқ олмошлари келишикларда турланмайдиган мабний исмлардан ҳисобланади, аммо бундан “أَيُّ” олмоши мустаснодир.

Сўроқ олмошларининг икки тури мавжуд ва улар, исмий ва ҳарфий сўроқ олмошларидир [6:220].

Ҳарфий сўроқ олмоши иккита бўлиб улар ҳа, она тилимизга юктамалар, деб таржима қилинган ҳамда мазкур олмошлар асосан умумий сўроқ гапларда ишлатилади ва сўроқ гапнинг бошига қўйилади [4:141]. Ҳарфий сўроқ олмошлари гапда бирор бир вазифани бажармайди [6:221]. Масалан:

هل البيت قريب - Уй яқинми? мазкур гапда “هل” ҳарфий сўроқ олмоши бўлиб гапда бирор бир вазифада келмаган.

أ ركبت السيارة - Машинани миндингми? жумласида “أ” ҳарфий сўроқ олмоши бўлиб гапда бирор бир вазифада келмаган.

Исмий сўроқ олмошлари эса қуйидагилар: “من” оқил (шахс) ҳақида сўраш учун қўлланади, масалан: من أنت? - Сиз кимсиз?.

“ما” ва “ماذا” билан ғойри оқил (предмет ва ҳайвонлар) учун қўлланади [5:63]. Масалан: ما ماذا في (Машина қандай рангда?) - لون السيارة? - يدك? Қўлингда нима бор?

“أين” ва “متى” замон ҳақида сўраш учун қўлланади. Масалан:

متى تذهب? - Қачон келдинг? متى أتيت? - Қачон кетасан? أين يقع? - Қерга кетасан?

“كيف” билан ҳолат сўралади. Масалан: كيف? - Уйингиз қаерда жойлашган? كيف? - Қачон келдинг? كيف? - Қачон кетасан?

“كم” микдорни аниқлаб бериш учун қўлланади. Масалан: كم كتاباً قرأت? - Қанча китоб ўқидинг?

“أي” сўроқ олмошидан ҳамма нарса ҳақида сўраш учун фойдаланиш мумкин. Бошқа сўроқ олмошларидан фарқли равишда “أي” келишиқда турланади. У гапдаги вазифасига қараб уч келишиқдан бирида келади. أي. олмоши қайси сўз билан бириккан бўлса ўша сўз билан жинсда мослашади ва у билан изофа бирикмасини ҳосил қилади [1:76]. Изофага киришаётган сўз муфрад (бирлик) бўлса, накира (ноаниқ) шаклда, агар кўплик бўлса, маърифа (аниқ) шаклда ифодаланади. Бунда أي сўзи музоф, бириккан сўз эса музоф илайҳ бўлиб келади [4:143]. “أي” олмоши билан муайян нарса, вақт ҳамда макон сўралади:

أي كتاب? - Қайси китоб? أي جريدة? - Қайси газета? أي المعلمين سأل عني? - Қайси бири мен ҳақимда сўради.

Сўроқ олмошларнинг гапдаги вазифалари.

Сўроқ олмошлари гапда эга, кесим, воситасиз тўлдирувчи, ўрин ҳоли вазифаларда келиши мумкин.

Қуйида сўроқ олмошларининг гапда бажариб келадиган вазифаларини қисқача шарҳлаб ўтсак:

“من” сўроқ олмошининг гапдаги вазифалари: “من” сўроқ олмоши келишиқда турланмайди ва гапда бош, тушум ҳамда предлоглар билан келганда қаратқич келишиқ ўрнида келиб қуйидаги вазифаларни бажариб келиши мумкин.

“من” сўроқ олмоши гапда қуйидаги ҳолатларда бош келишиқ ўрнида келиб эга вазифасини бажариб келади:

а) аниқ исмдан олдин келганда. Масалан: من الناحية? - муваффақият қозонган ким?

б) олд кўмакчи билан боғланиб келган исмдан олдин келганда. Масалан: من في البيت? - Уйда ким бор?, من عند المدير - Ким директор ҳузурида?

в) ўтимсиз феълдан олдин келганда. Масалан: من خرج الان? - Ҳозир ким чиқди?

г) воситасиз тўлдирувчи иштирок этган феълий гапдан олдин келганда. Масалан: من قرأ? - Ким дарсни ўқиди?

Юқоридаги гапларда “من” бош келишиқ ўрнида келиб, эга вазифасини бажариб келмоқда.

Ёрдамчи феълдан олдин келиб эга вазифасини бажариб келади. Масалан: من أصبح? - Ким уйда тонг оттирди?

2. “من” сўроқ олмоши тушум келишиқ ўрнида воситасиз тўлдирувчи вазифасини бажариб келади, бунда ушбу гапда воситасиз тўлдирувчи иштирок этмаган бўлиши керак ҳамда олмош феълий гапдан олдин келади. Масалан: من أكرمت? - Кимни икром қилдинг? Бу жумлада “من” олмошидан сўнг воситасиз тўлдирувчига эга бўлмаган ўтимли феъл келганлиги сабабли “من” сўроқ олмоши бу ўринда ўзидан кейин келган феъл учун воситасиз тўлдирувчи вазифасини бажариб келмоқда.

3. “من” сўроқ олмоши қаратқич келишиги ўрнида воситали тўлдирувчи вазифасини бажариб келади, агар предлог билан бирикиб келса. Масалан: من أخذت هذا الكتاب? - Бу китобни кимдан олдинг? Мазкур жумлада “من” олмоши “من” предлоги билан бирикиб келгани учун, “أخذ” феъли учун воситали тўлдирувчи вазифасини бажариб келмоқда.

Агар “من” сўроқ олмоши “ذا” билан бирикиб келадиган бўлса “من” келишида турланмайди ва бош келишик ўрнида гапда эга, “ذا” эса нисбий олмош бўлиб, келишида турланмайди ва бош келишик ўрнида кесим вазифасини бажариб келади. Масалан: من ذا لقيت؟ - Учрашганинг ким [7:318]?

“ما” Сўроқ олмошининг гапдаги вазифалари:

“ما” сўроқ олмоши ҳам келишикда турланмайди ва бош, тушум, қаратқич келишик ўрнида гапда “من” сўроқ олмоши бажарган вазифани бажариб келади [7:324].

“متى” ва “أين” сўроқ олмошларининг гапдаги вазифалари: “متى” ва “أين” сўроқ олмошлари ҳам келишикда турланмайди, гапда бош келишик ўрнида эгадан олдин келган от-кесим вазифасини бажариб келади, агар ундан сўнг от келадиган бўлса. Масалан: متى العطلة - Ёзги таътил қачон? - Учрашув кун қачон? Мазкур жумлаларда “متى” ва “أين” олмошлари гапда бош келишик ўрнида эгадан олдин келган от-кесим вазифасини бажариб келмоқда. “متى” сўроқ олмоши предлог билан боғланиб келганда қаратқич келишиги ўрнида бўлади. Масалан: إلى متى سيظل الطريق مغلقا؟ - Қачонгача йўл ёпиқ қолади? [7:325].

“أين” сўроқ олмошининг гапдаги вазифалари: “أين” Сўроқ олмоши ҳам келишикда турланмайди, гапда қуйидаги вазифаларни бажариб келиши мумкин:

1) Бош келишик ўрнида эгадан олдин келган от кесим вазифасини бажариб келади, агар ундан сўнг от келадиган бўлса. Масалан: أين أخوك؟ - Аканг қаерда?.

2) Тушум келишик ўрнида пайт ҳоли вазифасини бажариб келади, агар ундан сўнг феъл келадиган бўлса. Масалан: أين تقع الأهرامات؟ - Пирамидалар қаерда жойлашган?

3) Қаратқич келишиги ўрнида келади, агар олд кўмакчи билан боғланиб келса. Масалан: من أين أتيت؟ - Қаердан келдинг? Мазкур гапда “أين” гапда қаратқич келишик ўрнида гапда воситали тўлдирувчи вазифасини бажариб келмоқда.

Кўмакчи феълга исм вазифасини бажариб келади, агар ундан сўнг кўмакчи феъл келса. Масалан: أين كان أخوك؟ - Аканг қаерда эди? Мазкур гапда “أين” тушум келишик ўрнида ёрдамч феъл (كان) учун эга вазифасида келмоқда.

“أنى” сўроқ олмошининг гапдаги вазифалари:

“أنى” сўроқ олмошлари ҳам келишикда турланмайди, гапда “أين” олмоши бажарган вазифаларни бажариб келади. Фақат бу олмош қаратқич келишиги ўрнида келмайди [7:326]. Масалан: أنى هذا العالم؟

“كيف” сўроқ олмошининг гапдаги вазифалари:

“كيف” сўроқ олмоши ҳам келишикда турланмайди, гапда қуйидаги вазифаларни бажариб келиши мумкин:

Бош келишик ўрнида от кесим вазифасини бажариб келади, агар ундан кейин исм келса. Масалан: كيف الحال؟ و كيف أنت؟ - Аҳвол қалай? ёки Сен қалайсан? Мазкур гапларда “كيف” от кесим вазифасини бажариб келмоқда.

Тушум келишик ўрнида кўмакчи феъллар учун исм вазифасини бажариб келиши мумкин, агар ундан сўнг кўмакчи феъл келса [6:225]. Масалан: كيف كنت؟، كيف أصبحت؟ - Қандай бўлдинг?

Тушум келишик ўрнида воситасиз тўлдирувчи вазифасини бажариб келиши мумкин, агар ундан сўнг иккита мафъул бихи (воситасиз тўлдирувчи) ниталаб қилувчи ўтимли феъл келса. Масалан: كيف وجدت أخاك؟ - Акангни қандай топдинг? كيف ظننت زيدا؟ - Зайдни қандай гумон қилдинг? жумласида “ظن” феъли учун воситасиз тўлдирувчи вазифасини бажариб келмоқда.

Тушум келишиги ўрнида равиш ҳоли вазифасини бажариб келади, агар ундан сўнг феъл келадиган бўлса:

Масалан: كيف جئت والرعد يقصف؟ - Қандай қилиб келдингиз ваҳоланки мамоқолдирок гумбурлаяпти?

“كم” Сўроқ олмошининг гапдаги вазифалари:

“كم” сўроқ олмоши доимо гапнинг бошида келиб, бош, қаратқич, тушум келишиклари ўрнида, эга, кесим, воситасиз тўлдирувчи, воситали тўлдирувчи вазифаларини бажариб келиши мумкин.

1. “كم” сўроқ олмоши қуйидаги ҳолларда бош келишик ўрнида гапда эга вазифасини бажариб келади [7:334]:

а) Аниқловчи отдан сўнг ўрин ҳоли келадиган бўлса: كم درهما عندك؟ - Сенда қанча дирҳам бор?

б) Аниқловчи отдан сўнг предлог воситасида қаратқич келишигида ифодаланган сўз келганда: كم منزلا عمداك؟ - Сенда қанча уй бор?

с) Аниқловчи отдан сўнг ўтимсиз феъл келса: *كم عضوا خرجوا من مجلس الشورى؟* - Маслаҳат кенгашидан қанча аъзо чиқдилар?

д) Аниқловчи отдан сўнг ноаниқ ҳолдаги от келса: *كم طالبا في الإمتهان ناجح؟* - Имтиҳонда неча талаба муваффақият қозонди?

е) Аниқловчи отдан сўнг аниқ ҳолдаги от келса эга ёки кесим вазифасини бажариб келиши мумкин. Масалан: *كم إردابا محصول الفدن؟*

”*كم*“ сўроқ олмоши қуйидаги ҳолларда тушум келишиқ ўрнида гапда қуйидаги вазифаларни бажариб келади:

воситасиз тўлдирувчи вазифасини бажариб келади, агар аниқловчи отдан сўнг воситасиз тўлдирувчига эга бўлмаган ўтимли феъл келса. Масалан: *كم طالبا كافأت الجامعة؟*

мутлоқ масдар вазифасини бажариб келади, агар аниқловчи от иш ҳаракат номи бўлса. Масалан: *كم ضربة ضربت؟*

ўрин, пайт ҳоли вазифасини бажариб келади, агар аниқловчи от замон ёки маконнинг номи бўлса. Масалан: *كم يوما عبد الله ماكت؟*

кўмакчи феъл учун от-кесим вазифасини бажариб келади. Масалан: *كم أصبح عدد طلاب؟*

”*كم*“ сўроқ олмоши қуйидаги икки ҳолларда қаратқич келишиги ўрнида келади:

предлог билан бирикиб келса. Масалан: *و من كم عضوا يتكون مجلس الشعب؟*

мослашмаган аниқловчи бўлиб келганда. Масалан: *حقائب كم تلميذا في الفصل؟*

”*أي*“ сўроқ олмошининг гапдаги вазифалари:

”*أي*“ сўроқ олмоши турланадиган сўз бўлиб гапда қуйидаги ўринларда эга вазифасини бажариб келади [7:340]:

Агар у билан муайян нарса ҳақида сўралса. Масалан: *أي الرجال محترم؟*

Агар у билан муайян нарса ҳақида сўралиб, ундан сўнг предлог васитасида қаратқич келишигидаги исм келса. Масалан:

أي هذه الصادرات من إنتاج بلادنا؟

Агар у билан муайян нарса ҳақида сўралиб, ундан сўнг ўрин, пайт ҳоли келса. Масалан: *أي الحجاج فوق جبل الرحمة*

Агар у билан муайян нарса ҳақида сўралиб, ундан сўнг ўтимсиз феъл келса. Масалан *أي الطلاب نجح في الإمتحان*

”*أي*“ олмоши қуйидаги ўринда гапда воситасиз тўлдирувчи вазифасини бажариб келади, агар у билан муайян нарса ҳақида сўралиб, ундан сўнг ўтимли феъл келса. Масалан: *أي كتاب قرأت؟*

”*أي*“ олмоши билан иш-ҳаракат ҳақида сўралса, гапда мутлоқ масдар вазифасини бажариб келади. Масалан: *أي نجاح نجحت؟* - Қандай муваффақият билан муваффақият қозондинг?

”*أي*“ олмоши билан пайт ёки ўрин ҳақида сўралса, у гапда ўрин, пайт вазифасини бажариб келади. Масалан: *أي ساعة حضر أبوك؟* - Отанг қайси соатда келди?, *أي ناحية تريد أن تذهب؟* - Қайси томонга боришни хоҳлайсан?

”*أي*“ олмоши предлог билан бирикиб келса қаратқич келишигида бўлади. Масалан: *على أي الرجال مرت؟* - Қайси кишиларнинг ёнидан ўтдинг?

”*أي*“ олмоши изофа воситасида қаратқич келишигида келади. Масалан: *طالب أي جامعة قد حضروا؟* - Қайси университет талабалари келди?

ХУЛОСА

Юқоридаги маълумотлардан шуни хулоса қилсак бўладики, араб тилидаги сўроқ олмошлари араб тилида ”асмау-л-истиғҳом“ деб юритилади. Сўроқ олмошлари ”*قفرع*“, яъни аниқ ҳолатдаги сўзлар қаторига киради. Араб тилидаги сўроқ олмошлари мубҳам исмлардан бўлиб, сўзловчининг номаълум нарса ёки ҳодисани билиш мақсадида савол билан қилган мурожаатини ифодалаш учун қўлланилади. Сўроқ олмошлар икки тур: исмий ва ҳарфийга бўлиниб, улардан ”*أي*“ олмошидан бошқалари келишиқда турланмайди. Сўроқ олмошларидан фақат исмий сўроқ олмошлари гапдаги ўрнига қараб эга, кесим, ёрдамчи феълга хабар, воситасиз тўлдирувчи, ўрин ҳоли вазифаларда келиши мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдужабборов А. Араб тили. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – 307 б.
2. Аллома ибн Ҳожиб. Ал-вофия би-мақосид-ал-Кофия. – Тошкент: Мавороуннахр, 2018.
3. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно историческом освещении. – М.: ”Восточная литература“ РАН, 1998. – 592 с.
4. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. I Ж. –Наманган: Ибрат, 2009. – 584 б.
5. Ҳасанов М., Абзалов М. Араб тили дарслари. – Тошкент: Мавороуннахр, 2006.
6. Сулаймон Фаёд. Ан-Наҳв ал-асрий-марказ ал-Аҳром таржима ва нашриёт маркази. – 2005. – Б. 220.
7. Фуод Али Мухаймар. Ан-Наҳв манҳажан ва татбиқан. – Миср: Матбаа ал-Хусайн ал-Исламийа, 1988.